



IMPLEMENTATION OF THE WELFARE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON SOCIAL PARTNERSHIP: CURRENT ISSUES AND WAYS TO SOLVE THEM

SH.YAKUBOV

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ВНЕДРЕНИЕ ЗАКОНА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН “О СОЦИАЛЬНОМ ПАРТНЕРСТВЕ”: СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Ш.ЯКУБОВ

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,
Узбекистан

“ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ АМАЛДА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ш.ЯКУБОВ

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, унинг амалда татбиқ этилиши таҳлил этилади. Ушбу Қонунни амалга оширишда юзага келаётган айрим муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари ҳақида аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ижтимоий шериклик, қонун, қонунни амалда татбиқ этиш, нодавлат ноижорат ташкилотлари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари.

Аннотация: в статье предложен анализ Закона Республики Узбекистан «О социальном партнерстве» и его реализация. Выдвинуты конкретные предложения и рекомендации по некоторым проблемам, возникающим при реализации данного закона и пути их решения.

Ключевые слова: социальное партнерство, закон, реализации закона, негосударственные некоммерческие организации, государственные органы, институты гражданского общества.

Annotation: this article analyzes the Law of the Republic of Uzbekistan “On Social Partnership” and its implementation. Specific proposals and recommendations on certain problems arising in the execution of this law and the measures of their solution have been suggested.

Keywords: social partnership, law, implementation of the law, non-governmental non-profit organizations, government bodies, civil society institutions.

Ўзбекистонда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини махсус қонун орқали тартибга солиш борасидаги амалий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йилда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун 2015 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирди.

Икки йилдан ортиқроқ вақт давомида жамиятдаги янгиликларни, демократик ислохотларни ҳисобга олган ҳолда мазкур Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Умуман, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалда татбиқ этиш ўз самарасини бердими? Давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги шерикликни амалга оширишда янги натижалар қўлга киритилдими? Шериклик натижасида аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ижобий кўрсаткичларига эришилдими? Бу қонундаги қайси нормалар самарали ишлади, қайси бири эса ишламади? Қонунга амалиётдан келиб чиқиб яна қандай нормалар киритиш мумкин? Ушбу саволларга мазкур мақолада жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистонда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунни амалда татбиқ этиш борасида қуйидаги тизимли ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида. Мазкур Қонун қабул қилинмасидан аввал ҳам қарийб тўрт йил давомида кенг жамоатчилик иштирокида уч юздан ортиқ муҳокамалар ташкил этилган, лойиҳанинг турли муқобил вариантлари яратилиб, атрофлича муҳокама қилинган эди. Ушбу Қонун қабул қилинганидан сўнг ҳам унинг моҳиятини тегишли субъектларга етказиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўнга яқин халқаро конференциялар, элликдан ортиқ миллий форум ва анжуманлар, минглаб семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали қонуннинг моҳияти ижрочиларга етказилди.

Иккинчидан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунни амалга оширишга хизмат қиладиган қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш борасида. 2015 йилда ўндан ортиқ қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалга киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат фонди Низомининг янги таҳрири қабул қилинди. Шунингдек, НТТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат гранти, ижтимоий буюртмаси ва субсидияларини ажратиш тартибини белгиловчи низомлар ишлаб чиқилди.

Учинчидан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда белгиланган комиссияларни ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди. Шунингдек, Қонуннинг 18-моддасида белгиланган нормалар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ташкил этилди. Ушбу комиссияларга аъзо сифатида жойлардаги давлат ва нодавлат ташкилотларининг 211 нафар вакиллари сайланди. Барча аъзоларнинг 56 %ини ННТ вакиллари ташкил этади [1].

Тўртинчидан, қонунда белгиланган шакл ва усулларда ижтимоий шерикликни амалга ошириш йўналишида. Қонунда белгиланган асосларга кўра, нодавлат ноижорат ташкилотлари қонун лойиҳалари муҳокамасида, давлат ва ҳудудлар даражасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этмоқда.

Хусусан, 2014 йилнинг ўзида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаларининг муҳокамасида 1500дан ортиқ ННТ фаоллари иштирок этган. Ёки 2014 йилдаги Давлат дастури ижросини таъминлашда 370дан ортиқ ННТ фаол иштирок этган бўлса, 2015 йил Давлат дастури ижросида уларнинг иштироки 612 нафарни ташкил этган.

Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йилдаги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури [2]нинг ўнта бандида ННТлар иштироки кўзда тутилган бўлса, 2018 йилдаги “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг 14та йўналиши фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятига бағишланган [3].

Шунингдек, нодавлат ташкилотлари фаолларининг давлат ва ҳукумат раҳбари қарорлари билан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи идоралараро комиссиялар (кенгашлар, ишчи гуруҳлар) фаолияти жалб этиш ҳам кенгайиб бормоқда. Биргина 2015 йилда 50дан ортиқ ННТ фаоллари бундай комиссияларга жалб этилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 70дан ортиқни ташкил этган.

2015 йилда ННТларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги доирасида молиялаштирилган грант маблағлари ҳисобидан тўрт мингдан ортиқ тадбирлар (конференция, мастер-класс, учрашув, давра суҳбати ва семинарлар) ўтказилиб, уларда 165 мингдан ортиқ кишилар иштирок этган. Хусусан, 210та ўқув курслари, 53та марказлар ташкил этилиб, уларга 7694 киши жалб этилди [4].

Худудлар миқёсида ижтимоий шерикликнинг амалга оширилиши эътибор қаратсак, натижалар марказдагидек бўлмасада, жойларда ҳам қонун ижроси доирасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётгани кузатилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятида Ижтимоий шериклик соҳасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ахборот алмашиш борасида жисмоний ва юридик шахслардан Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш бошқармасига тушаётган мурожаатларни ўрганиш давомида белгиланган тартибда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, истеъмолчилар жамиятларидан ва бошқа жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ташкилотларидан расмий сўров йўли билан тегишли маълумотлар олинishi йўлга қўйилган [5].

Самарқанд вилоятида ҳам ушбу қонун ижроси доирасида қатор амалий ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияларида ННТлар фаолиятига доир масалалар 2013 йилда 3 марта, 2014 йилда 4 марта, 2015 йилда 4 марта, 2016 йилнинг биринчи чорагида 1 марта кўриб чиқилиб уларнинг фаолиятида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган. Шунингдек, вилоятдаги Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ҳам ижтимоий шериклик масалалари 12 марта муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Давлат дастурларининг ижросига ННТларнинг жалб қилинганлиги йилдан йилга ортиб борганлигини кузатиш мумкин. Масалан, вилоятда 2013 йилда 6 ННТ – Давлат дастурининг 18 бандидаги вазифани, 2014 йилда 8 ННТ – 42 банддаги (2013 йилга нисбатан 5,2 баробар кўпроқ) вазифани, 2015 йилда 15 ННТ – 52 банддаги (2014 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп) вазифани ўз зиммасига олиб фаоллик кўрсатган.

2013–2016 йилларда Самарқанд вилоятидаги бир қатор ННТлар ўзаро ҳамкорлик тўғрисида 30 дан ортиқ шартнома ва меморандумлар ҳамда ҳамкорлик дастурлари имзолаган [6]. Бу каби ижобий кўрсаткичларни мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам кузатиш мумкин.

Юқоридагилар билан бирга, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг амалга оширишда айрим камчиликлар, ҳозирча фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд.

Мазкур соҳада фаолият олиб бораётган экспертлар, қонун юзасидан амалга оширилган назорат таҳлил ишлари юзасидан тўпланган материаллар ва уларнинг натижалари ҳамда кузатувларимизга асосан, ушбу Қонуннинг амалга татбиқ этилишида, унинг қабул қилинишидан аввал кўзланган юксак мақсадларга тўлиқ эришилди, дея олмаймиз. Чунки бу Қонуннинг амалга оширилиши билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан шериклиги ривожланиб, унинг натижасида инсонлар ҳаётида сезиларли даражадаги ижобий кўрсаткичлар кузатилди дейиш қийин.

Мазкур Қонун фақатгина Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган, тор мақсадлар учун фойдаланиладиган, самарали ишламаётган қонунга айланиб қолди.

Бунинг сабаблари нимада? Аввало, мазкур Қонунда фақат икки субъект (давлат ва нодавлат сектори) шериклиги акс этганлигида. Унда бизнес тузилмаларининг иштироки етарлича ҳисобга олинмаганида. Иккинчидан, ушбу Қонундаги айрим қоидаларда белгиланган вазифалар бажарилмаганида.

Фикрларимизнинг тасдиғини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил асосида ўрганиш натижалари ҳам тасдиқлайди.

Мазкур ўрганишлар “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент вилоятида ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан биргаликда, бу борада қуйидаги қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

– халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ҳузурида тузилган Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг фаолияти, унинг вазифалари ҳақида худуддаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари етарлича тасаввурга эга эмас. Хусусан, вилоятдаги ННТлар вакиллари билан суҳбат ўтказилганда, уларнинг аксарияти Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг тузилганлигидан, унинг таркиби ва унга юклатилган вазифалардан хабардор эмас;

– Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг иш режасида кўрсатилган тадбирларнинг аксарияти амалга оширилмаган.

Шунга ўхшаш ҳолат Тошкент шаҳрида ҳам кузатилган. Хусусан, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси доирасида шаҳар меҳнат бош бошқармаси бошлиғининг ахборотини эшитиш режалаштирилган бўлсада, бу тадбир ташкил этилмаган. 2016 йилда Жамоат комиссиясининг очик мажлисларида минтақавий ОАВ вакиллари иштироки тўлиқ таъминланмаган. Шунингдек, ННТ фаолияти, уларнинг жамият тараққиётига кўшаётган ҳиссаси лозим даражада ёритилмаган [7].

Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгаши ҳузурида тузилган Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг айрим аъзолари комиссия зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш имкониятига эга эмас. Хусусан, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, комиссиянинг айрим аъзолари ННТ фаолияти, “учинчи сектор”нинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас. Комиссия раҳбари “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими раисидир. Унинг зиммасига бошқа масалаларда юклатилган вазифалар кўлами жуда кўп бўлиб, бу эса комиссия ишини самарали ташкил этишда салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, вилоятдаги ННТларнинг фикрига кўра, ушбу раҳбар комиссия фаолиятини самарали бошқариш имкониятига эга эмас.

Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси вазифаларини амалга оширишда давлат органлари вакиллариининг салмоғи паст бўлиб, улар кўпинча расмийлик учун комиссия йиғилишларида иштирок этиш билан чекланмоқда. Натижада ҳал этилиши давлат органларига боғлиқ бўлган муаммолар ўз ечимини топмасдан қолмоқда.

Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига асосан унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаган. Жумладан, Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси:

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан социал ва ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, уларни амалга ошириш учун маблағларнинг зарур ҳажмларини аниқлашга доир тавсиялар ишлаб чиқмаган ҳамда тегишли буюртмаларни Парламент комиссиясига юбормаган;

вилоятда ижтимоий ва социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда ижтимоий шериклик ҳолатининг мониторингини ва баҳоланишини амалга оширмаган;

Қонуннинг 7-моддаси талаблари ижро этилмасдан қолмоқда. Вилоят Соғлиқни сақлаш, Монополиядан чиқариш бошқармалари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, лойиҳалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш борасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган;

вилоятдаги давлат органлари ННТлар билан ижтимоий шерикликнинг айрим шакллари (биргаликда тадбирлар ўтказиш, тузилган ишчи гуруҳлари ва комиссиялар таркибида иштирок этиш) амалга оширган бўлсада, ушбу ишларга аксарият ҳолларда фақат республика миқёсида фаолият кўрсатаётган йирик ННТлар ёки уларнинг таркибий тузилмалари жалб этилиб, ўз ташаббуси билан ташкил этилган, чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган ННТлар билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмаган;

Қонуннинг 12-моддаси талаблари ижро этилмасдан келинмоқда. Хусусан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар берилмаган;

Тошкентвилоятида ббб нафар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат мулкидан ижара асосида фойдаланиб келаётган бўлсада, Қонуннинг 13-моддаси талаблари бажарилмасдан уларнинг бирортасига ҳам давлат мулки текин ёки имтиёзли шартларда фойдаланишга берилмаган.

Фикримизча, юқоридаги каби муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунни амалга самарали татбиқ этиш учун қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим:

Биринчидан, қонун амалдаги реал вазиятдан келиб чиқиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш заруратини ҳисобга олган ҳолда

такомиллаштирилиши лозим. Бунда шериклик субъектлари доирасига хусусий тижорат тузилмаларини қўшиш ва уларнинг ижтимоий шерикликдаги фаолиятни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдаги иштирокининг шакллари ва ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш алоҳида аҳамиятга эга.

Бунинг учун, аввало, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий шериклик субъектлари таркибига тадбиркорлик субъектларини киритиш ва уларнинг ижтимоий шерикликдаги иштирокининг тартиби янги моддаларда ёритиб берилиши керак. Хусусан, ушбу қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмидаги “Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир” мазмунидаги нормага “давлат органлари” деган сўзлардан кейин “тадбиркорлик субъектлари” жумласи киритилиши лозим. Шунингдек, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга “Ижтимоий шерикликни тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватлаш” тизимини акс эттирувчи янги боб киритилиши керак. Ушбу бобда “Ижтимоий шерикликни тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватлаш турлари”, “Тадбиркорлик субъектлари томонидан моддий ва мулкӣ ёрдам кўрсатиш”, “Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштиришда тадбиркорлик субъектларининг иштироки” ва шу каби бошқа моддалар ўз аксини топиши лозим.

Яна бир муҳим масала, агар тадбиркорлик субъектлари ижтимоий шериклик субъектлари таркибига киритилса, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда ижтимоий шериклик муносабатларида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилиши лозим бўлади. Бунинг учун мазкур Қонуннинг амалдаги таҳририда акс этган “Ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” номли 4-боби “Тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқлари” ва “Тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги мажбуриятлари” мазмунидаги иккита янги модда билан тўлдирилиши лозим.

Иккинчидан, қонунда белгиланган комиссияларни ташкил этиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлашда комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг ишига давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг аралашувини кескин камайтириш лозим. Бу борада Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги партия гуруҳлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудлардаги нодавлат ташкилотларининг роли ва иштирокини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини марказлаштирамаслик зарур. Бунда уларга фақат марказ орқали эмас, балки маҳаллий давлат ҳокимияти орқали молиявий қўмак берилишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳудудлардаги нодавлат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини, уларнинг куч ва имкониятларини, жойларда аҳоли турли қатламлари манфаатларини ҳамой қилишдаги роли ва фаоллигини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудуддаги фаол жамоатчилик яхши билади.

Тўртинчидан, қонунни амалда самарали татбиқ этилишида ундаги вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ундаги ҳаволаки нормаларда белгиланган қоидаларни ишлаб чиқилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, қонуности ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини назорат қилиш лозим. Фикримизча, бу борада мазкур Қонуннинг амалга самарали татбиқ этилишига масъул бўлган ваколатли орган белгилаб қўйилиши лозим.

Бешинчидан, қонун моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбар ходимларига етказиш учун замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиб, махсус ўқув семинарлари ташкил этилиши лозим. Бунда уларга қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланиш тартиби тушунтирилиши лозим. Бу борада мутахассислар томонидан мазкур Қонунга шарҳ тайёрлаш ва чоп этиш, унинг тегишли субъектларга тарқатилиши мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ваколатли давлат органлари ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ташкил этилиши режалаштирилган “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат Кенгаши” [8] томонидан “Ижтимоий шериклик” номли махсус веб-сайт яратиш ва унда давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий шериклигига оид қонун ҳужжатлари, янги лойиҳаларни жойлаштириб борилиши, турли танловлар ташкил этилиши ҳақида, шунингдек жойлардаги фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятдан намуналар жойлаштириб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Еттинчидан, худудларда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини мақсад ва вазифалари ҳамда низомлари белгиланган асосий йўналишидан келиб чиққан ҳолда тегишли давлат органларига ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича бириктириш, уларни бир-бири билан таништириш ҳамда биргаликдаги чора-тадбирлар режаси тузиб олиш ва шу асосда ишнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Саккизинчидан, нодавлат ташкилотлари фаолиятида маънавий рағбатнинг ўрни ва аҳамияти муҳимлигидан келиб чиқиб, турли аҳоли қатламлари манфаатларни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган, ижтимоий шерикликка оид қонун ҳужжатларини амалга оширишда ижобий натижаларга эришган ташкилот вакиллари давлат мукофотларига тавсия этиш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бундай фаол жамоат ташкилотлари тажрибасини оммалаштириш, бошқа худудларда ҳам уларнинг иш усулларини жорий этиш лозим.

References:

1. O'zbekistonda fuqarolik jamiyatining rivojlanishi. -T.: Fuqarolik jamiyati shakllanishini monitoring qilish mustaqil instituti, 2016. -B.10-12.
2. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi // O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevral. PF-4947-sonli Farmoniga 1-ilova; 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturi // O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoniga 8-ilova. www.lex.uz.
3. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturi // O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 yanvardagi PF-5308-son Farmoniga ilova. www.lex.uz.
4. O'zbekistonda fuqarolik jamiyatining rivojlanishi. - T.: Fuqarolik jamiyati shakllanishini monitoring qilish mustaqil instituti. - T., 2016. - B.10-12.
5. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlar va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari qo'mitasi tomonidan "Ijtimoiy sheriklik to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining Toshkent viloyatida ijrosini nazorat-tahlil tarzida o'rganish bo'yicha hujjatlar to'plami // Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Devoni arxivi.
6. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlar va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari qo'mitasi tomonidan "Nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyatining kafolatlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunini Samarqand viloyatida ijrosini nazorat-tahlil tarzida o'rganish bo'yicha hujjatlar to'plami // Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Devoni arxivi.
7. Karimova M. Ijtimoiy sheriklik masalalariga jiddiy yondashuv zarur // Jamiyat. - 2016. - №87 (1123).
8. Ushbu kengashni tashkil etish 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasining 2018 yil - "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturining 39-bandida o'z aksini topgan // O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 yanvardagi PF-5308-son Farmoniga ilova. www.lex.uz.